Ф. Р. Раҳимов, Тошкент тўқимачилик
ва енгил саноат институти ўқитувчиси

ЛЕКСЕМА ВА УНИНГ ТАЪРИФИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек тилшунослигида лексеманинг лугавий бирлик сифатидаги табиатини коннотатив ва денотатив нуқтаи жиҳатдан очиб бериши ҳамда уларнинг морфологик, синтактик ҳамда семантик хусусиятлари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: тил ва нутқ бирликлари; тил сатҳлари; тилнинг структур бирликлари; морфологик сатҳ; психофизик образ; лисон; синтагматик муносабат; лексемика; семема ва номема.

Аннотация. В данной статье рассматривается особенности лексемы как лексической единицы в узбекском языкознании с коннотативной и денотативной точек зрения, а также их морфологические, синтаксические и семантические особенности.

Ключевые слова: язык и речевые единицы; языковые поверхности; структурные единицы языка; морфологическая поверхность; психофизический образ; язык; синтагматическая связь; лексемика; семема и номема.

Annotation. This article is considered the features of a lexeme as a lexical unit in Uzbek linguistics from the connotative and denotative points of view, as well as their morphological, syntactic and semantic features.

Key words: language and speech units; language surfaces; structural units of the language; morphological surface; psychophysical image; language; syntagmatic connection; vocabulary; sememe and nomeme.

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ бирликлари, сатҳлари ва мазкур сатҳлараро воқеланувчи муносабат масаласи кўплаб тилшуносларнинг қизиқишларига сабаб бўлган. Жумладан, тил ва нутқ бирликларини фарқлаш тамойилларини белгилаш, мазкур бирликларнинг ўзаро парадигматик, синтагматик муносабатларини ўрганиш, сатҳ тушунчасининг лингвистик тавсифи кабилар тадқиқ этилган. Айни пайтда тилшунослигимизда тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини замонавий методологик тамойилларга таянган ҳолда тавсифлаш, тил ва нутқ сатҳлари ҳамда уларни ташкил этувчи бирликларининг лингвистик мақоми, табиатига хос аниқ назарий хулосалар чиқариш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Бу ҳолат тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларидан, таҳлил этишнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда ёритиш, тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида лексикологияга оид ишларнинг деярли барчасида анча вақт сўзнинг маънодоши ҳисобланиб келган (баъзилар уни ҳозир ҳам шундай тушунадилар) лексема ҳақида фикр юритилган.

Уларнинг кўпчилиги табиий равишда, биринчи галда, унга тўлақонли таъриф-тавсиф беришни ва шу асосда унинг тил қурилишида тутган ўрнини белгилашни кўзда тутиб ёзилган. Бироқ, афсуски, бу масалада бир қарорга келинди, лексеманинг мақсадга мувофиқ таъриф-тавсифи яратилиб, тил қурилишидаги ўрни ўз ечимини топди дейиш қийин [2; 34]. Систем тилшунослик таълимоти мустаҳкамлангандан кейин ҳам мазкур масала устидаги баҳс-мунозара янада кучайса кучайдики, камаймади.

Ҳатто айни бир йўналиш, мактабга мансуб тилшуносларнинг лексемага муносабатида ҳам кескин фарқларни кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети етакчи олимлари томонидан эълон қилинган ўқув қўлланмада бу ҳақда қуйидагилар қайд этилган: «...Кўплаб тилшунослар тилнинг

структур бирликларини санар эканлар, фонема, морфема ва конструкция билан чекланиб, лексемани тилнинг алоҳида қурилиш бирлиги сифатида тан олмайдилар ва уни морфеманинг бир кўриниши сифатида қарайдилар [4; 49]. Ўзбек тилшунослигида лексикани тизим сифатида тадқиқ этиш натижаларини умумлаштирувчи лексема «жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури» тарзида морфеманинг бир кўриниши сифатида таърифланади [6; 77]. ...Агар лексемага шундай ёндашилса, тилнинг асосий яруси-лексик сатҳ ҳам ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиб, морфологик сатҳнинг таркибий қисми мавқеида бўла олади, холос [7; 85].

Қўлланма муаллифлари мулоҳазаларини давом эттириб ўзбек тили лексемаларини «...ўзида тайёрлик, мажбурийлик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик хусусиятларини мужассамлаштирган, шакл ва денотатив маъно бирлигидан иборат, мустақил англаниш ва қўлланиш табиатига эга бўлган лисоний бирлик» деб таърифлаш мумкинлигини таъкидлайдилар [7; 102].

Кўриниб турибдики, таърифда лексеманинг бир қанча ўзига хос, уни бошқа лисоний бирликлардан ажратиб турувчи муҳим белгилари ифода топган. Булар лексеманинг: а) денотатив маъно билдириши; б) мустақил маъно англатиши; с) мустақил қўлланиш хусусияти. Таърифдаги бошқа белгилар барча лисоний бирликларга хосдир, чунки фонема ҳам, морфема ҳам, лисоний қолиплар ҳам таърифда таъкидланган «ўзида тайёрлик, мажбурийлик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик хусусиятларини мужассамлаштирган» бўлиб, муайян шаклга эга. Шундан келиб чиқиб уларни таърифга киритиш шартмиди деб ўйлаш мумкин. Бироқ мазкур хусусиятлар лексемаларнинг нутқ бирлиги эмас, балки лисоний бирлик эканлиги, шу асосда лексемаларни нутқ бирликларига, хусусан, лексема

билан мутаносиб зиддият ҳосил қилувчи лексемалар ёки сўзларга зидланишини таъминлаб туриши билан аҳамиятлидир [6; 98].

Шу маънода уларнинг таъкидланиши ҳам ўринли бўлган деб ўйлаймиз. Мазкур таъриф лексеманинг энг кейинги таърифларидан бири бўлиб, аввалгиларидан лексеманинг луғавий бирлик сифатидаги табиатини анча яхши очиб бериши билан ажралиб туради. Лекин таърифда лексеманинг асосий хусусияти - тушунчани номлаш вазифасига етарли эътибор берилган дейиш қийин. Тўғри, «мустақил англаниш ва қўлланиш табиати» маълум даражада шунга ишора этади. Лекин асосий хусусият учун бу камлик қилади. Бизнингча, тушунчани номлаш хусусияти лексема таърифининг ўқ томири, алоҳида ажралиб турувчи жиҳати бўлиши керак. Шу маънода Ҳ.Жамолхоновнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқцир: «Сўз (дарсликда сўз ва лексема маънодош атамалар сифатида қаралган - таъкид бизники - А.Ж.) тилнинг энг муҳим номинатив бирликларидандир, чунки у борлиқдаги нарса-буюмларни, предмет сифатида тасаввур қилинадиган мавҳум тушунчаларни, ҳаракат-ҳолатни, ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-миқдор, хислат каби белги-хусусиятларни номлайди [3; 98].

Шу каби таъриф-тавсифларга таянган ва улардан фойдаланган ҳолда ҳамда лексеманинг табиати, маъно-вазифаси, тузилишидан келиб чиқиб биз лексемаларга қуйидагича таъриф беришни маъқул топдик.

Лексемалар оламдаги хилма-хил мавжудотлар, нарса-ҳодисалар, объектлар ва жараёнлар, уларнинг белги-хусусиятлари, хоссалари, миқдор-даражаси, ҳаракат-ҳолатлари, муносабатларининг инсон онги-тил хотирасидаги инъикоси, психофизик образи, лисоний таъбир билан айтганда, денотат-референти билан бевосита богланадиган тушунча асосида ҳосил бўлган мустақил маъно мундарижа - семемага ва шу маъно мундарижани ўзида мужассам этган ўзига хос, яхлит, бир бутун, бир бош урғули фонемик қиёфа - номемага эга бўлган, шу мазмун ва шакл бирлиги билан муайян тил эгаларининг барчаси учун умумий ва мажбурий, тайёр ва такрорланувчан барқарор луғавий атамалардир.

Лексикологияда худди шундай атамалар ўрганилиши таъкидланади (1, 5; 5, 51) Лексика луғат бойлигини билдирар, луғат бойлиги эса сўз ва иборалардан ташкил топган экан, лексемаларни ўрганадиган тилшунослик бўлимини, Ш.Раҳматуллаев таклиф этганидек, лексемика деб номлаш маъқул деб ўйлаймиз. Чунки мазкур терминда лексикологиядан фарқли ўлароқ лексикага эмас, айнан лексемага урғу берилган [4; 113].

Шуни таъкидлаш керакки, лисонда лексемалардан бошқа юқорида таъкидланган нарса-ҳодисалар тўғрисидаги тушунчаларни номловчи терминлар бўлмайди. Лекин бу лисонда лексемалардан бошқа атамалар йўқ дегани эмас. Негаки аташ фақат предмет ва унинг белги-хусусияти, миқдори, ҳаракат-ҳолатинигина номлашдан иборат эмас, тил бу доирага кирмайдиган, луғавий маъноси бўлмаган, грамматик маъно-вазифа бажарувчи бирликларни ҳам номлайди: кўмакчи, боғловчи, юкламалар шундай вужудга келган. Тилнинг табиати шуни тақозо қилади.

Айни сабабдан лексемага луғавий маъноси ва нимани аташ хусусиятига қараб таъриф бериш мақсадга мувофиқ кўринади. Биз таърифда баҳоли қудрат ана шу жиҳатга диққат қаратишга интилдик.

Хулоса қилиб айтганда, тил сатҳларининг ҳар бири нисбий мустақилдир. Шу боис ҳар бир сатҳ бирликларининг фақат уларгагина тегишли бўлган қонун-қоидаларини бошқа сатҳ бирликларига татбиқ этиб бўлмайди. Бироқ сатҳлар бирликларининг синтагматик муносабатларини улардан бир поғона катта бўлган бошқа сатҳлар бирликлари доирасида ўргана оламиз.

Тилнинг асосий бирлиги сўз бўлиб, унинг қурилиш материали морфемадир. Сўз тил бирликларининг гап сатҳига кўчирилишини таъминловчи асосий восита саналади, зеро, фонемалар ҳам, морфемалар ҳам сўз сатҳида фаоллашади ва у орқали нутққа кўчади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байманов Ҳ.А. Инсон характерга хос сифат лексемаларнинг семантик таснифи (немис ва ўзбек тиллар мисолида)//Ўзбекистонда хорижий тиллар (илмий-методик электрон журнал) www.journal.fledu.uz. № 2(21)2018.

2. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент, 2007, – Б. 27.

3. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. - Тошкент: Талқин, 2005.

4. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асосл ари . - Т о ш к е н т : Ўқитувчи, 1 9 9 5 .

5.Рахимов Файзиддин Рустамович"\\Россия "Молодой ученый. Международный научный журнал"\\Основные вопросы достижения эффективности в системе высшего образования \\№ 48 (390) . Ноябрь 2021 г. С 436

6. Сайфуллаева Р., Қурбонова М., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, 2005. - 181 б.

7. Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011, - Б. 20.

8. Baymanov Habibullo Abdullayevich, Avlakulov Avazbek Ismoilovich, Sattorova Sattorova Tojimatovna, Raximov Fazliddin Rustamovich, Qalandarova Sofiya Toxirovna, Sattorov Hayrulla Razzoqovich//Italiya. Philosophical Readings//Realization of color-expressive quality lexemes in phraseology (on the example of German and Uzbek languages)// XIII.4 (2021), pp. 1849-1858. 1849